

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/05.06.2020.Ped.76.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУЛВОҲИДОВ ЭЛЁР АБДУЛҲАМИД ЎҒЛИ**

**ЧИНГИЗ АЙТМАТОВНИНГ ПЕДАГОГИК КОНЦЕПЦИЯСИ ВА**  
**УНИНГ ЁЗУВЧИ ИЖОДИДА БАДИИЙ-ПУБЛИЦИСТИК**  
**ИФОДАЛАНИШИ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Абдулвоҳидов Элёр Абдулҳамид ўғли**

Чингиз Айтматовнинг педагогик концепцияси ва унинг ёзувчи ижодида  
бадий-публицистик ифодаланиши ..... 3

**Абдулвоҳидов Элёр Абдулҳамид угли**

Педагогическая концепция Чингиза Айтматова и её художественно-  
публицистическое выражение в творчестве писателя ..... 27

**Abdulvohidov Elyor Abdulhamid ogli**

The pedagogical concept of Chingiz Aitmatov and its artistic and publicistic  
expression in the writer's work ..... 53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 57

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/05.06.2020.Ped.76.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУЛВОҲИДОВ ЭЛЁР АБДУЛҲАМИД ЎҒЛИ**

**ЧИНГИЗ АЙТМАТОВНИНГ ПЕДАГОГИК КОНЦЕПЦИЯСИ ВА**  
**УНИНГ ЁЗУВЧИ ИЖОДИДА БАДИИЙ-ПУБЛИЦИСТИК**  
**ИФОДАЛАНИШИ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Ped875 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.namdu.uz](http://www.namdu.uz)) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Носиров Қодиржон**

педагогика фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Азимова Зиёдахон Эргашевна**

педагогика фанлари доктори, доцент

**Сабирова Венера Кубатовна**

филология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети**

Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даража берувчи PhD.03/04.06.2020.Ped.76.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Бобуршоҳ кўчаси, 161 - уй. Наманган давлат университети мажлислар зали. Тел.: (+99869) 228-85-01, факс (+99869) 228-85-02, e-mail: [info@namdu.uz](mailto:info@namdu.uz)).

Диссертация билан Наманган давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ - рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316 - уй, Тел.: (+99869) 227-29-81.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**С.Т. Турғунов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**М.А. Асқарова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**З.Э. Азимова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда сўнгги йилларда илғор олий ўқув юртлари ва илмий марказлари<sup>1</sup> педагогика фанларини ўрганиш ҳамда ривожлантириш, хусусан, бадиий адабиётнинг педагогик салоҳиятини ўрганиш ва ундан ёшларнинг таълим-тарбия жараёнини янада бойитиш мақсадида фойдаланиш борасида муҳим ишлар олиб бормокда. Шу муносабат билан миллатларнинг маънавий раҳнамолари бўлган буюк файласуфлар, мутафаккирлар ва адибларнинг ёрқин педагогик қарашларига муружаат қилиш асосида замонавий воқеликнинг маънавий манзараси ҳақидаги ёшларнинг яхлит қарашларини ривожлантириш долзарб аҳамият касб этади. Педагогикада бадиий адабиётнинг кенг қўлланиши, бадиий сўз усталарининг педагогик қарашларини теран англаш ёшларнинг эстетик ва ахлоқий тасаввурларини шакллантириш, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида маънавий мулоқотни мустаҳкамлаш, педагогнинг ўз издошига бўлган ижобий таъсирини кучайтириш ҳамда бўлажак ўқитувчиларнинг шахсий ва касбий маҳоратини ошириш учун зарурдир.

Дунёда муайян ёзувчининг бадиий меросини ўрганиш муаммоси мутолаачининг идрок қуввати, унинг менталитети, қарашлар хилма-хиллиги нуқтаи назаридан тадқиқ этилмокда. Шундан келиб чиқадики, бадиий адабиётнинг педагогик фикрни ривожлантиришдаги аҳамияти, аввало, алоҳида педагогларга хос дунёқараши билан ажралиб турувчи ёзувчилар ижодига бевосита боғлиқ. Буюк ёзувчи Чингиз Айтматов ана шундай мутафаккирлардандир. Ёзувчининг публицистик мақолалари ва болалар ҳақидаги қиссаларида акс этган ғоялари халқ педагогикасига таянувчи ахлоқий тарбия, инсонпарварлик тамойилига асосланган таълим, ўқитувчининг ёш авлод тарбиясидаги роли каби масалаларни ёрқин ифода этган. Унинг бўлғуси ўқитувчиларда мустақил ва танқидий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш учун муҳим туртки бўла оладиган асарлари педагогика нуқтаи назаридан чуқур ўрганилиши мақсадга мувофиқ.

Республикамызда сўнгги йилларда буюк ёзувчи-педагогларнинг таълим ва тарбияга оид қарашларини талқин этиш, бу орқали педагогик жараён мазмунини бойитишга қаратилган эътибор салмоғи ортди. Хусусан, “буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов нафақат қирғиз эли, айти пайтда, бутун туркий мамлакатлар, жумладан, ўзбек халқи учун ҳам азиз ва қадрли сиймо, Ўзбекистоннинг улкан дўсти эди. Чингиз Айтматов минтақамиз тинчлиги ва осойишталиги, унинг келажаги ва равнақи, халқларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, уларни турли зиддият ва қарама-қаршиликлардан асраш йўлида фидокорона фаолият олиб борди”<sup>2</sup>, деган фикрлар ҳам унинг ижодини чуқур ўрганишни тақозо этади.

<sup>1</sup> UNESCO Institute for Life long Learning, Общество сравнительной педагогики и Международной образования США (Comparative and International Education Society), Общество сравнительной педагогики в Европе (Comparative Education Society in Europe – Брюссель, Бельгия), Европейское общество образовательных исследований European Research Association (EERA).

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 апрелдаги ПҚ-3645-сонли “Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори <https://president.uz/uz/lists/view/1618>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги, 2018 йил 2 апрелдаги ПҚ-3645-сон “Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда шу фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикада Чингиз Айтматов асарларидаги ғоялар, бадий-эстетик хусусиятлар, халқ анъаналарига, мифологияга ҳамоҳанглик, ёзувчининг жаҳон адабиётидаги ўрни каби масалаларни П.М.Мирза-Аҳмедова, С.Умиров, Й.Солижонов, И.Юсупов, А.Саидов, З.Пўлатхўжаев, А.Хўжаев, А.Мелибоев, К.Сейданов, К.Носиров каби адабиётшунос ва публицистлар чуқур тадқиқ этганлар.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олимларидан Г.Гачев, В.И.Воронов, П.Е.Глинкин, Л.И.Лебедева, В.Г.Левченко, М.Л.Селиверстов, Л.И.Шевченколор ўз тадқиқотларини Чингиз Айтматов ижодининг чуқур психологизми, реалистик адабиётнинг ходисаси сифатидаги ўзига хосликларини ўрганишга бағишлаганлар.

Хорижий давлатлар олимларидан ушбу муаммолар R.Porter, L.Aragon, I.Vexer, R.Opis, X.Ekkarius, I.Vaopin, S.Pin каби тадқиқотчилар томонидан ёзувчининг асарларида инсон ҳаёти ҳамда муаммоларига фалсафий ёндашувларнинг акс этиши, жамиятда юзага келаётган муаммоларнинг асл моҳияти ва ечимида шахснинг ўрни, тафаккур ҳамда фалсафий ёндашув каби мавзуларнинг ёритилишини тадқиқ қилганлар.

Юқорида номлари келтирилган ёзувчи ва олимларнинг тадқиқотларини чуқур ўрганиш шуни кўрсатдики, уларнинг аксарияти адабиётшунослик

характеридаги маълумотларни ўз ичига олади, аммо Чингиз Айтматов ижодининг педагогик аҳамияти алоҳида ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Наманган давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўқитувчилар тайёрлаш: таълим-тарбия муаммолари ва истиқболлари” мавзусида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Чингиз Айтматовнинг педагогик концепциясини ёзувчининг таълим ва тарбияга оид қарашлари яхлит тизими сифатида белгилаш, мутаносиб ифодалаш ва кадрлар тайёрлаш жараёнига татбиқ этишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

“ёзувчининг педагогик концепцияси” тушунчасининг мазмун-моҳияти ва структурасини илмий-таҳлилий ёндошув асосида аниқлаштириш;

Чингиз Айтматов педагогик концепциясининг асосий ташкил этувчи компонентлари ва мезонларини белгилаш;

ёзувчи ижодидаги маънавий-ахлоқий ва эстетик тарбияга доир ғояларни тизимлаштириш ва уларнинг қўлланилишини асослаш;

педагогик кадрлар тайёрлаш жараёнларига Чингиз Айтматов педагогик концепциясини татбиқ этиш самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Чингиз Айтматовнинг педагогик концепцияси асосида олий таълим муассасалари талабаларида маънавий-ахлоқий тарбия кўникмаларини ривожлантириш жараёнлари белгиланган.

**Тадқиқотнинг предмети** Чингиз Айтматовнинг таълим-тарбия масала-ларига оид қарашлари мазмуни ва уларни педагогик жараёнларга татбиқ этишнинг илмий-педагогик асослари, шакл, восита ва методлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида бадий адабиётларни қиёсий-тарихий (компаративистик) ва маданий-тарихий ўрганиш, биографик, мифологик, психологик, социологик методлар, адабиётшунослик ва педагогик герменевтика, педагогика ва бадий адабиётнинг интеграцияси, моделлаштириш, аналогия, таҳлил, синтез, Блум, Стюдент ва Пирсон усуллари, педагогик тажриба-синов асосида талабаларнинг аудиториядан ташқари машғулотлари мазмун-моҳиятини аниқлаш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

педагогик муаммоларнинг ечими, педагогик ҳодисаларнинг мазмун-моҳиятини ифодаловчи ҳамда яхлит тизимини ташкил этувчи қарашлар, ўзаро боғлиқ ва алоқадор бўлган ғоялар “ёзувчининг педагогик концепцияси”

тушунчасининг мазмуни ва структураси сифатида аниқлаштирилган;

герменевтик ёндошув асосида Чингиз Айтматовнинг таълим-тарбияга оид ғоялари умумлаштирилган, ёзувчи педагогик концепциясининг амалий, мотивацион-когнитив, ҳиссий-эмоционал, аксиологик компонентлари аниқланган;

ёзувчи ижодидаги шахсий намунага асосланган маънавий-ахлоқий тарбияга доир авлодлар ворисийлиги, тарихий онг ва хотира, ўзини ўзи англаш, инсон ва табиат коэволюцияси билан боғлиқ ғоялар антропоцентрик жиҳатлар (ҳар қандай билимда инсоний ўлчов мавжудлиги)ни инобатга олиш асосида тизимлаштирилган;

талабаларнинг бадиий-аналитик тафаккурини ривожлантиришнинг алгоритмик босқичлари ахборот-коммуникацион, муаммоли-тадқиқий ва ижтимоий лойиҳалаш технологияларини аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотлар жараёнида тизимли қўллаш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Чингиз Айтматовнинг публицистикаси ва бадиий асарларини чуқур ўрганиш асосида ёзувчининг педагогик концепциясини аниқлаш ва талқин қилиш бўйича муаллифлик технологияси ишлаб чиқилган;

талабаларнинг аналитик ўқиш ва бадиий асарларни таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган педагогик фаолият шакллари такомиллаштирилган;

Чингиз Айтматовнинг педагогик концепцияси асосида бўлажак ўқитувчиларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси жараёнини такомиллаштиришнинг дидактик имкониятлари асосланган;

Чингиз Айтматов асарларини чуқур ўрганиш асосида бўлажак ўқитувчиларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини такомиллаштириш бўйича назария ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тегишли адабий-педагогик методлар, янги педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда ўтказилган тажрибалар натижаларига, уларнинг самарадорлиги математик ва статистик таҳлиллар, амалиётга жорий қилинганлиги билан тасдиқланганига асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Чингиз Айтматовнинг педагогик концепцияси асосида таълимда янги ғоялар манбаларини аниқлаш ва қўллашга оид назарий ёндашувлар, қарашлар, ёзувчининг асарларида акс этган педагогик концепциянинг қонуниятлари ижтимоий-педагогик нуқтаи назардан ўрганилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти педагогика фанлари бўйича дарслик, ўқув қўлланма, ўқув дастурларини ишлаб чиқишда, педагогик ва адабий умумий ва махсус курсларни яратиш, педагогика бўйича семинарларга тайёргарлик кўриш, ёзувчилар меросини ўзлаштириш ва уларни педагогик фикр нуқтаи назаридан баҳолаш жараёнида фойдали бўлиши, диссертацияда баён этилган хулосалар ушбу йўналишдаги кейинги тадқиқотлар учун муайян назарий манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Чингиз Айтматовнинг педагогик концепциясини ўрганиш жараёнида олинган илмий натижалар асосида:

педагогик муаммоларнинг ечимини педагогик ҳодисаларнинг мазмун-моҳиятини ифодаловчи ҳамда яхлит тизимини ташкил этувчи қарашлар, ўзаро боғлиқ ва алоқадор бўлган ғоялар “ёзувчининг педагогик концепцияси” тушунчасининг структураси сифатида аниқлаштирилганлигига оид материаллар 5110900 – Педагогика ва психология бакалавриат йўналиши малака талаблари мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 5 февралдаги 89-03-673-сон маълумотномаси). Натижада, талабаларда Чингиз Айтматовнинг асарларидаги педагогик ғояларини таҳлил қилиш кўникмалари такомиллаштирилган;

герменевтик ёндошув асосида Чингиз Айтматов педагогик концепциясининг амалий, мотивацион-когнитив, ҳиссий-эмоционал, аксиологик компонентларини аниқлашга доир ғоялардан ФЗ-201912099 рақамли “Ўзбек фольклорининг ўзбек ва инглиз тилларидаги веб-сайти ва мультимедиа маҳсулотларини яратиб” мавзусидаги амалий лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 5 февралдаги 89-03-673-сон маълумотномаси). Натижада, мультимедиа маҳсулотларининг маънавий-ахлоқий таъсирчанлиги бойитилган;

ёзувчи ижодидаги шахсий намунага асосланган маънавий-ахлоқий тарбияга доир авлодлар ворисийлиги, тарихий онг ва хотира, ўзини ўзи англаш, инсон ва табиат коэволюцияси билан боғлиқ ғоялар антропоцентрик жиҳатларни инобатга олиш бўйича таклифлар 5111300 – Она тили ва адабиёти (ўзга тилли гуруҳларда рус тили ва адабиёти) бакалавриат таълими йўналиши малакавий талаблари мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 5 февралдаги 89-03-673-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак ўқитувчиларнинг маънавий-ахлоқий тарбия бўйича кўникмаларини шакллантириш самарадорлигини оширишга эришилган;

талабаларнинг бадий-аналитик тафаккурини ривожлантиришнинг алгоритмик босқичлари информацион-коммуникацион, муаммоли-изланишга доир, ижтимоий лойиҳалаш технологияларини аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотлар жараёнида тизимли қўллаш асосида яратилган махсус семинар аудиториядан ташқари машғулотлар жараёнида бир қатор олий таълим муассасаларида қўлланилган (Ўш давлат университетининг 2020 йил 15 сентябрдаги 130-сон маълумотномаси). Натижада талабаларда муайян ёзувчининг педагогик концепциясини аниқлаш ва тизимлаш кўникмалари шакллантирилишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 9 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияда маъруза шаклида баён этилган ҳамда муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп

этишга тавсия этган илмий нашрларда 7 та мақола (4 та республика, 3 та хорижий журналда) чоп этилган.


**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг асосий матни ҳажми 141 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, эълон қилинган ишлар, тадқиқотнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Чингиз Айтматов публицистикаси контекстида “ёзувчининг педагогик концепцияси” тушунчаси моҳияти**” деб номланувчи биринчи бобида мазкур тушунчанинг моҳияти очиқ берилган.

“Концепция” атамасининг замирида “тизим”, “ғоя”, “асосий етакчи фикр” маънолари мужассам бўлиб, улар маълум бир масала бўйича назарий ва амалий ҳаракатлар стратегиясини белгилайди. Муайян ёзувчининг педагогик концепциясига нисбатан қўлланилганда эса бу муаллифнинг педагогик муаммонинг ечимига қаратилган ўзаро боғлиқ ва бир-биридан келиб чиқадиган ғоялари, педагогик ҳодисаларнинг моҳияти ҳақидаги қарашларининг яхлит тизимини назарда тутамиз (1-расм).



**1-расм.** Ёзувчининг педагогик концепцияси шаклланиши

Ёзувчининг асарларидаги педагогик ғояларни тизимлаш ёзувчининг педагогик концепциясини юзага келтиради. Чингиз Айтматовнинг педагогик концепцияси – бу ёзувчининг педагогик ҳодисаларнинг мазмун-моҳиятини ифодаловчи ҳамда яхлит тизимини ташкил этувчи қарашлари мажмуидир. Концептларни аниқлашда қўлланилган технология 1-жадвалда акс этган.

## Чингиз Айтматовнинг педагогик концепциясини аниқлаш технологияси

<b>ЁЗУВЧИ</b>		
Ўз асарида етакчи педагогик ғояни белгилаган	Педагогик муаммо мавжудлигини ўз асарида педагогик вазият билан асослаган	Долзарб педагогик муаммо ечими бўйича таклифини билдирган



<b>КИТОБХОН</b>		
Таҳлилий ўқиш орқали асар муаллифининг педагогик қарашларини аниқлайди	Аниқланган қарашларнинг педагогик ғоялар умумий тизимидаги ўрни ва аҳамиятини белгилайди	Ёзувчининг педагогик концепциясини шакллантиради



<b>АМАЛИЁТДА ҚЎЛЛАШ</b>	
Педагогик масалалар ечими учун таклифларни асослаш	Педагогик концепция назариясини шакллантиришда қўллаш

Чингиз Айтматовнинг чуқур инсонпарварлик руҳи билан суғорилган дунёқараши асосида вужудга келган педагогик концепция ҳар бир миллат учун универсал, тушунарли ва долзарб ҳодисадир. Чингиз Айтматов педагогик концепциясининг ўзаги авлодлар давомийлиги ва тарихий хотира ғоясидан иборат. Ёзувчининг қарашлари мажмуи бўлажак ўқитувчиларга нафақат педагогика асосларини тушунишда, балки ўз илдизлари, аждодлари ва уларнинг бой маънавий-ахлоқий мероси ҳақидаги билимларни ўзлаштириш орқали ўзлигини англашга ёрдам беради.

Қирғиз ёзувчисининг публицистикаси ва бадиий асарларини ўрганиш натижасида унинг педагогик қарашлари Шарқнинг буюк мутафаккирлари (Фороби, А.Навоий, А.Авлоний, А.Қунанбоев, Ч.Валихонов, И.Олтинсарин ва бошқалар) таъсирида етилганлиги асосланди.

Чингиз Айтматов публицистикасини чуқур тадқиқ қилиш натижалари шуни кўрсатдики, ёзувчининг дастлабки мақолаларидаёқ унинг педагогик концепцияси асосини ташкил қилувчи ғоялари намоён бўлади. Кейинчалик улар бадиий асарларда ҳам ўз ифодасини топади ва ривожланиб боради. Ёзувчининг публицистик асарлари асосида биз қуйидаги муҳим концептларни белгиладик:

1) Халқ таълими мазмуни учун масъул шахслар ўқув адабиётлари ҳар томонлама юқори сифатли бўлишини таъминлашлари зарур.

2) Ўқитувчи маданиятли кишининг энг яхши фазилатларига эга бўлиши, таълим бериш учун доимо ҳаётни ўрганиши лозим. Шу билан бирга, глобаллашув даврида ўқитувчи фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш масаласи айниқса долзарб бўлиб турибди.

Жамият қандай тараққий этиши кўп жиҳатдан ўқитувчининг самарали фаолиятига боғлиқ. Ёш авлод ўқитувчидан ўтмиш тажрибасини, аждодларининг бой меросини қабул қилиб олади. Ўқитувчи меҳнатининг жамиятдаги қадрини кўтариш керак;

3) “Болалик шунчаки тотли давр эмас, балки у келажакдаги инсон шахсиятининг асосидир”. Болаларда меҳр-оқибатни шакллантириш, уларни яхши ва ёмонни ажрата олишга ўргатиш лозим. “Инсон қалбида кераклини кераксиздан ажратиб берадиган “сепаратор” зарур”. Бу, айниқса, замонавий ахборот воситаларининг роли ортиб бораётган, оммавий маданият ва ёт ғоялар таҳдиди шароитида жуда муҳимдир;

4) Энг даҳшатли фалокат – бу одамнинг инсон даражасига эриша олмаслиги мумкинлигидадир. Уни шахсга айлантирадиган нарса – бу кишиларга бўлган чуқур ва чинакам муҳаббат, жамиятга фойда келтиришга интилиш, борини баҳам кўришга тайёрлик, воқеликка прогрессив муносабатда бўлиш.

5) Бола руҳиятини муҳаббат, дўстлик, ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, катталарга ҳурмат каби эзгу хислатлар билан тўлдира оладиган энг қимматли восита – бу она тили, адабиёт, фольклор, афсона ва ривоятлардир.

6) Инсон ўз насл-насабини, етти пуштини (замонавий илмий иборани қўлласак – авлодлар ворисийлиги) ёддан билиши лозим экани ҳақида ёшларга эслатиб туриш зарур.

7) Ватанга муҳаббат, ўз халқининг урф-одатлари ва анъаналарига содиқ қолиш инсон ахлоқини шакллантиришнинг асосидир. Афсона ва ривоятлар янги замонавий тафаккур билан бирлашиб, янги шаклларга эга бўлишини таъминлаш, уларни замонавий талқинга “мослаштириш” ва таълим жараёнига фаол татбиқ қилиш керак.

8) ёшлиқдан бошлаб болада ҳақиқат ва ёлғонни фарқлашга хизмат қилувчи иммунитетни шакллантириш керак. Китоб ўқиш ва ундаги воқеликни ўз тажрибаси ва таассуротлари билан таққослаш йўли билан ҳаётий билимларни жамғариш орқали ёшлар маънавиятини бойитиш зарурати доимо долзарб;

9) Кекса авлод вакиллари ёшларнинг шаклланиши ва такомиллашишида муҳим роль ўйнайди. Халқ педагогикаси воситасида энг яхши ахлоқий фазилатлар тарбияланади, боланинг табиий иқтидори сайқалланади ва ўсади, инсон атрофдагилардан яхшилиқни ўрганади;

10) Инсонга бўлган муҳаббат, борини баҳам кўришга тайёрлик нафақат юксак тушунчаларни очиб бериши (тинчлик учун кураш, ватанпарварлик), балки ҳар қандай фикр ва ҳаракатнинг асоси бўлиб хизмат қилиши керак.

Диссертациянинг **“Ёзувчининг бадий ижодида ахлоқий тарбия ғоялари ва уларни тадбиқ этишнинг педагогик модели”** деб номланувчи иккинчи боби Чингиз Айтматовнинг болалик ҳақидаги қиссаларида акс этган педагогик ғояларини ўрганишга, бадий-мажозий тафаккур ҳақидаги билимларни ўқув жараёнига тадбиқ қилишнинг педагогик имконият ва усулларини ўрганишга бағишланган. Болалик мавзуси Чингиз Айтматовнинг 1970-йиллардаги қиссаларида ҳар томонлама ёритилган бўлиб, унда муаллиф

болалик ва ўсмирлик даврига, унинг психологик жihatлари, хулқ-атвор хусусиятлари, қийинчиликлари ва ушбу муаммоларнинг сабабларига алоҳида эътибор билан ёндошади. Чингиз Айтматов учун болалик – бу шахснинг шаклланиши ва ривожланишидаги муҳим босқич. Ёзувчининг бу борадаги фикрлари ўз асарларида болалик ва ўсмирлик даврида шахснинг шаклланишига кўпроқ эътибор қаратган XX аср файласуфлари ва педагоглари қарашлари билан уйғун эканини илғаш қийин эмас.

Бола шахсининг тарбиясида авлодлар ворисийлиги муҳим ўрин тутди. Катта авлод вакиллари тасвирлаш орқали (“Оқ кема”, “Соҳил бўйлаб чопаётган олапар”, “Эрта қайтган турналар”, “Биринчи ўқитувчи” қиссаларида) муаллиф уларнинг маънавий тажрибасини, оғир синов даврларда халок бўлишдан асраган маънавий кучни идрок қилиш ва ёдда сақлашга чақиради.

Чингиз Айтматовнинг бадиий асарларида ифодаланган педагогик ғояларини тизимлаш шуни кўрсатдики, тадқиқ этилган қиссаларда бола ҳаёт мағзи саналиб, унинг атрофида бутун жамиятнинг бутуни ва келажагига дахлдор долзарб ахлоқий, ижтимоий-сиёсий вазифалар ва муаммолар кўлами тасвирланган. Уларга ечим ахтарган ёзувчининг фикрлари эса ғоялар даражасига кўтарилиб, унинг педагогик концепциясининг ажралмас қисмига айланади.

Педагогика ва бадиий адабиёт ўртасидаги чамбарчас боғлиқлик қадимдан эътироф этилган ва бу уларнинг вазифалари яқин бўлганлиги билан изоҳланади. Педагогика тарбия ва таълим ҳақидаги билимларни ўз ичига олади, зеро, адабиётнинг асосий вазифаларидан бири унинг дидактик хусусиятидир. Педагогика ва бадиий адабиёт доимо ўзаро бир-бирини тўлдирди. Бу инсониятнинг муҳим тенденциясида – педагогик ҳақиқатни ўрганишга бўлган умумий қизиқиш, инсонни педагогик нуқтаи назардан тушунишга интилишида намоён бўлади. Педагогика тарихидан маълумки, эрамиздан аввалги VII–V асрларда ҳам қадимги Юнонистонда бадиий асарларнинг педагогик функциясидан кенг фойдаланилган, унга таълим бериш ва тарбиялашда етакчи ўрин берилган. Бу нарса Чингиз Айтматов педагогик концепциясини ўрганиш бадиий адабиётнинг ёшлар тарбиясида муҳим аҳамият касб этишини яна бир бор тасдиқлайди.


Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон фармонида<sup>3</sup> стратегик мақсадлар ва устувор йўналишлар сифатида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган кадрлар тайёрлаш, уларнинг интеллектуал қобилиятларини намоён этиши ва маънавий баркамол шахс сифатида шаклланиши учун зарур шарт-шароит яратиш, шунингдек маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар таъсирчанлигини ошириш белгиланган. Чингиз Айтматовнинг педагогик

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон фармони. <https://lex.uz/docs/4545884>.

концепцияси мазкур вазифаларнинг сифатли ижросига хизмат қилиши билан аҳамиятли.

Чингиз Айтматовнинг педагогик концепцияси барча педагогик воқеликлар: ривожланиш, тарбия, таълим, ўқитиш, педагогик фаолият ва педагогик таъсир кабиларни ўз ичига олади. Ёзувчи бадиий фикрлаш даражасида ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантиришнинг бирлигидан иборат бўлган асосий педагогик принципни тасдиқлади ва асослаб берди.



**2-расм.** Чингиз Айтматовнинг педагогик концепциясини ўқув жараёнига татбиқ этишнинг замонавий педагогик модели

Чингиз Айтматов педагогик концепцияси асосида талабаларда аналитик ўқиш ва муаллифнинг педагогик ғоялари тизимини аниқлаш ва қўллаш

кўникмаларини ривожлантиришнинг педагогик модели (2-расмга қаранг) куйидаги босқичларни қамраб олади:

**1-босқич. Талабаларда аналитик ўқиш кўникмаларини шакллантириш.** Мустақил фикрлаш ва таҳлил қилиш кўникмаларини ўстиришга қаратилган педагогик жараёнга кириш.

Мақсад бадиий адабиёт мутолааси воситасида талабаларнинг таҳлил қилиш кўникмаларини оширишдан иборат

**2-босқич. Талабаларда бадиий идрокка хос амалий-педагогик сифатларни шакллантириш.** Талабаларнинг бадиий идрокини ривожлантиришдан кўзланган мақсад 1-босқичда олинган назарий ва амалий билим, малакаларни ривожлантиришдан иборат.

**3-босқич. Талабаларда муайян ёзувчининг педагогик концепциясига таалуқли билим ва сифатларни амалиётда қўллашга доир кўникмаларни шакллантириш.** 3-босқичда 1 ва 2-босқичда шаклланиб борган дастлабки билим ва кўникмаларни амалиётга йўналтириш амалга оширилади. Мақсад – бадиий асарларни таҳлилий ўқишни ривожлантиришга доир билим, кўникма, дунёқарашларини амалиёт жараёнида ва касбий фаолиятда қўллай олиш ва уни такомиллаштириш.

Чингиз Айтматовнинг қарашлари эволюциясини ўрганиб, ёшларни тарбиялаш ва ўқитиш жараёнини такомиллаштиришга хизмат қиладиган куйидаги педагогик категорияларни аниқладик:

– таълим сифатини таъминлаш (дарсликлар ҳолати, бадиий адабиётлар таржимаси);

– шахсий намунага асосланган маънавий-ахлоқий тарбия;

– авлодлар ворисийлигитамоийлига асосланган тарбия;

– тарихий хотира ва етти пуштини билиш;

– ўқитувчининг педагогик маҳорати ва ахлоқий дунёси;

– инсон ва табиат (3-расмга қаранг).



**3-расм.** Чингиз Айтматовнинг педагогик концепциясида акс этган ғояларнинг ўзаро боғлиқлиги ва динамикаси

Чингиз Айтматовнинг педагогик концепцияси, шунингдек, боланинг атрофдаги дунёни англаши, унинг борлиқ ҳақидаги ташқи муҳитга муносабати, ўсиб бораётган шахсда эзгулик, адолат, қувонч, дунёни ва ўзини англаш туйғусини шакллантириш шароитлари ва жараёни каби психологик вазифаларни ҳам қамраб олади.

Шундан келиб чиқиб Чингиз Айтматовнинг педагогик концепциясидан олий ўқув юртларида дарсдан ташқари машғулотларда фойдаланиш бўлажак ўқитувчиларнинг боланинг шахсини шакллантириш моҳияти тўғрисидаги билим ва кўникмаларини оширишга имкон беради, дея таъкидлаш ўринли. Бундай билимлар мажмуаси педагогик жараён иштирокчилари ўртасидаги ўзаро алоқаларни янада яхшилайти, талаба ёшларнинг педагогик маҳорати ўсишига ёрдам беради.

Тадқиқот натижасида “Рус адабиётининг пропедевтик курси”, “Рус адабиёти практикуми”, “Таржима назарияси ва амалиёти”, “Адабиётшуносликка кириш”, “Педагогика назарияси ва тарихи” каби ўқув предметлари талабаларнинг бадиий асарларда акс этган педагогик ғояларни таҳлил қилиш ва келгуси фаолиятларида қўллашлари учун муайян кўникмаларни шакллантиришда катта имкониятларга эга экани аниқланди. Биринчидан, ушбу фанларни ўқитиш ва уларнинг мавзулари таҳлилий ўқиш хусусиятларини ўз ичига олган. Иккинчидан, мазкур фанлар барча олий ўқув юртларининг ўқув жараёнига киритилган.

Иккинчи боб бўйича хулосада қуйидагиларга урғу берилган:

Чингиз Айтматовнинг болалар ҳақидаги қиссаларида педагогик характердаги фикрлари жуда кўп. Биз тадқиқот давомида уларни герменевтика усулидан фойдаланган ҳолда аниқладик. Мазкур фикрлар ёзувчи бадиий оламининг антропоцентрик табиатини ифодалайди. Чингиз Айтматов антропоцентризмнинг ўзига хослигинини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур: ёзувчининг диққат марказида умуман исон эмас, балки муаллиф ва унинг барча ижобий қаҳрамонлари ғамхўрлик қиладиган бола туради. Фикримизнинг моҳиятини Чингиз Айтматовнинг қиссаларда келтирган доно сўзлари, яъни хикматлари асослайди. Биз бу гапларни унинг асарлари матнларидан олганмиз ёки Чингиз Айтматов материаллари асосида тузганмиз. Бир нечта мисол келтирамиз:

**А) Чингиз Айтматовнинг хикматлари:**

- 1) “Одамлар ақл ўрнига бойликни кўз-кўз қилганлари ёмон”;
- 2) “Кўшиқчилар мақташ учун мусобақалашса, улар хонандалардан кўшиқ душманларига айланадилар”;
- 3) “Одамнинг болалик виждони доннинг ҳаётбахш мағзига ўхшайди, усиз дон униб чиқмайди”;
- 4) “Нон, унинг ҳар бир ушоғи тер билан суғорилади, лекин ҳамма ҳам буни билавермайди ва тановвул пайтида ҳамма ҳам бу ҳақда ўйламайди”.

**Б) Қиссалардаги фикрлар асосида биз шакллантирган тушунчалар:**

- 1) Яхшиликни парваришлаш, тарбиялаш керак.
- 2) Инсонни шундай тарбиялаш керакки, у ўта оғир вазиятларда ҳам юксак ахлоқни намоеън этиш учун ўзида жасорат топа олсин, ўз насли

давомийлиги ва фаровонлиги учун энг азиз нарсасини қурбон қилишга тайёр бўлсин.

3) Ўқитувчининг кучи ғояга содиқлик, интилиш поклиги, бурчга садоқат ва фидойиликда.

4) Боланинг отага бўлган интизори гўдакда ахлоқий ўзгаришларни келтириб чиқаради, бу эса педагогик муаммоларга замин яратади.

5) Болани жазоламанг, уни тарбияланг.

6) Етти пуштини, яъни аждодларни унутмаслик лозим, нафақат ота-боболарнинг исмларини, балки уларнинг қилмишларини ҳам билиш керак.

Шунингдек, иккинчи бобда «Чингиз Айтматовнинг ёшлар таълими ва тарбиясининг долзарб муаммоларини ҳал қилишга қаратилган педагогик концепцияси» мавзусида махсус семинар тўла вариантда тақдим этилган.

Тадқиқотнинг учинчи боби **“Чингиз Айтматов педагогик қарашларини таълим амалиётига тадбиқ этиш тажрибавий ишининг мазмуни”**га бағишланади. Бунда диссертацияда илгари сурилган назарий ва илмий ғояларнинг амалий натижалари тавсифланган.

Хулосалар, услубий тавсиялар таҳлил-синтез, синтез-таҳлил тамойилларига асосланган ва 2017-2018, 2018-2019, 2019-2020 йиллардаги тажрибавий ишларнинг натижаларини акс этади.

Бобда ўтказилган тест ишлари намуналари, сўровда қатнашган респондентлар сони берилган ва тажрибавий тадқиқотлар натижалари таҳлил қилинган.

Тадқиқотда назорат ва тажриба гуруҳлари талабалари томонидан Андижон, Наманган ва Фарғона давлат университетлари, А.И.Герцен номидаги РДПУ ва НамДУ кўшма таълим дастури марказининг талабалари ўртасида математик статистик усуллардан фойдаланган ҳолда билим, кўникма ва малакалар нуқтаи назаридан олинган натижаларнинг қиёсий таҳлили қўлланилган.

Тадқиқотнинг дастлабки босқичларида бўлажак ўқитувчиларни бадий асарлар, хусусан, Чингиз Айтматов қиссаларидан келиб чиқадиган педагогик ғоялардан уларни педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнида фойдаланишга ўргатиш ҳолати ўрганилди. Тажрибаларда қатнашадиган академик гуруҳлар ҳамда уларнинг назорат ва тажрибавий гуруҳлари аниқланди. Ушбу талабалар гуруҳларининг билим даражаси компьютер ва дидактик материаллар ёрдамида аниқланди. Асосий эътибор эса респондентларнинг бадий матнга сингдирилган педагогик ғояларни аниқлаш ва тизимлаштириш билан боғлиқ билим кўникмаларини аниқлашга, асар қаҳрамонининг ахлоқий қиёфаси шаклланишида роль ўйнайдиган ҳар бир эпизодни чуқур таҳлил қилишга қаратилди.

Чингиз Айтматовнинг педагогик мавзулардаги публицистик мақолалари ва бадий асарлари мисолида ёзувчининг педагогик ғояларини амалда қўллашнинг янги имкониятлари ўрганилди, кўтарилган муаммоларнинг долзарблиги аниқланди, педагогик вазиятлар ва шароитлар таҳлил қилинди, уларнинг ёрдамида баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилди.

“Ч.Айтматовнинг ёшларга таълим ва тарбия беришнинг долзарб муаммоларини ҳал қилишга қаратилган педагогик концепцияси” махсус семинари ёрдамида шаклланган талабаларнинг билим сифати куйидаги кўрсаткичларга асосланиб аниқланди:

– талабаларнинг Чингиз Айтматов асарларини ўқиш ва таҳлил қилишга қизиқиши даражасини, таҳлилий ўқиш кўникмаларини шакллантириш;

– Чингиз Айтматов ижодини, ёшларни ривожлантиришга қаратилган педагогик муаммоларни ҳал қилишдаги ғояларини чуқур англаш орқали унинг педагогик қарашларини аниқлаш маҳорати;

– талаба ёшларнинг Ч.Айтматов педагогик қарашларида етакчи ғояларни аниқлаш, тарбия-таълим жараёнида қўллаш қобилияти;

– талабаларнинг Ч.Айтматов педагогик концепциясини россиялик, европалик ва маҳаллий мутафаккирларнинг педагогик қарашлари билан қиёслаш маҳорати.

Тажрибавий иш натижаларини билиш учун назорат ва тажриба гуруҳлари талабаларини жалб қилган ҳолда илмий-ижодий ишлар танловини ўтказилди. Ишлар 2-жадвалда кўрсатилган мезонларга мувофиқ баҳоланди.

## 2- жадвал

### Талабаларнинг ижодий ишларини баҳолаш мезони

№	Топшириқ	Ўзлаштириш даражаси		
		Юқори	Ўртача	Паст
1.	Чингиз Айтматов асарларини таҳлилий ўқиш	Талаба бадий асар, публицистик мақолани мустақил таҳлил қила олади, асарда кўтарилган педагогик муаммо бўйича ўз фикрларини баён этишга қодир	Талаба бадий асар, публицистик мақолани ўқитувчи тақдим этган режа ва саволлар асосида таҳлил қила олади	Талаба бадий асар, публицистик мақолани таҳлил қилишга, ундаги асосий фикрни белгилашга қийналади
2.	Чингиз Айтматовнинг болалар ҳақидаги асарларидан педагогик қарашларга оид иқтибосларни аниқлаш, ёзиб олиш ва бадий-услубий таҳлил қилиш, уларнинг педагогика нуқтаи назаридан долзарблигини аниқлаш	Талаба топшириқни мустақил тарзда бажара олади, ўз нуқтаи назарини баён эта олади	Талаба ўқитувчининг саволларига жавоб тариқасида ўз фикрларини баён эта олади	Талабанинг шахсий нуқтаи назари мавжуд эмас
3.	Муаллиф позициясини баҳолаш (асарнинг педагогик аҳамиятга эга қисмларини мустақил таҳлил қилиш, шарҳ бериш)	Талаба педагогик вазиятларни объектив баҳолай олади, кузатиш ва таҳлил қилишга қодир	Талаба топшириқни ўқитувчи кўрсатмаларига асосан бажара олади	Талаба муаллифнинг позициясини аниқлашга қийналади

4.	Чингиз Айтматов асарлари қаҳрамони сиймосини сўз воситасида тарифлаш (қаҳрамонинг ташқи қиёфасини тасаввур қилиш даражаси)	Талаба педагогик муаммони кўра олади, асар қаҳрамони ахлоқий кўринишини таърифлашга кодир	Талаба таҳлил қилинаётган матнга асар қаҳрамони ахлоқий кўринишини таърифлашга кодир	Талабанинг ўз нуқтаи назари йўқлиги
5.	Публицистик характердаги топшириқни бажариш: мақола ёзиш	Талаба мавзуни мустақил белгилай олади, Чингиз Айтматов ижодининг педагогик аҳамияти борасида ўз фикрларини тизимли баён этишга ва асослашга қодир	Талаба ўқитувчи томонидан таклиф қилинган мавзулардан танлаб олишга, ўз фикрини баён этишда турли усуллардан фойдаланишга кодир	Талаба мавзуни юзаки таҳлил қила олади, мавзуни тўлиқ очиб бера олмайди

Назорат ва тажриба гуруҳларида махсус семинар материалларини ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун ёзма сўров ўтказилди. Бунда биз реферат, эссе, мақолалар ёзиш усулларини қўлладик. Материалларни ўрганиш натижасида тажриба гуруҳларида бадиий асарларни таҳлилий ўқиш ва педагогик ғояларни аниқлаш даражаси сезиларли даражада юқори экани аниқланди. Шунингдек, талабаларнинг ўз нуқтаи назарларини ифода этиш ва асослаш маҳоратлари ошгани аниқланди ва бу замонавий кадрлар тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ўқув тажрибаси давомида олинган натижаларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, талабалар куйидагиларни ўзлаштирадилар:

- бадиий асарларни аналитик ўқиш;
- ўрганилаётган материал муаллифининг педагогик ғояларини аниқлаш;
- бадиий асардаги педагогик ғояларини тизимлаштириш;
- бадиий матнда қаҳрамон образининг ахлоқий қиёфасини шакллантириш учун педагогик вазият ва шароитларни очиб бериш технологияси;

- педагогик жараёнда ёзувчи ва мутафаккирларнинг таълим-тарбияга оид ғояларидан фойдаланиш.

Мустақил равишда бажара оладилар (кўникмалар ва малакалар):

1. Бадиий матнни ундаги педагогик қарашларни аниқлаш мақсадида таҳлил қилиш;
2. Тегишли тушунчаларни шакллантириш учун аниқланган педагогик фикрларни қайта ишлаш;
3. Муайян ёзувчининг педагогик концепциясини аниқлаш;
4. Олинган натижалардан педагогик амалиётда фойдаланиш.

Илмий изланишлар давомида аниқлаганимиздек, бўлғуси ўқитувчиларнинг ўқувчиларда маънавий-ахлоқий қадриятларни шакллантириш кўникмаларини эгаллаши жараёни ўсмир шахсига уйғун ижтимоий ва педагогик таъсир тизимини тақозо этади. У нафақат таркибий элементларни, балки такомиллашган ҳолатдаги шахсий фазилатларнинг бутун мажмуасини қамраб олади (3-жадвал).

### 3-жадвал

Чингиз Айтматов асарларини ўқиш ва унинг педагогик ғояларини аниқлаш, таҳлил қилиш бўйича тажрибавий гуруҳ талабаларининг маҳорати кўрсаткичлари

№	Мезон	Тажрибага қадар			Тажрибадан сўнг		
		Юқори	Ўртача	Паст	Юқори	Ўртача	Паст
1.	Чингиз Айтматов шахсининг ва унинг ёзувчи-педагог сифатида шаклланиши асослари ҳақидаги билимлар даражаси	23	25	54	49	31	22
2.	Чингиз Айтматов асарларида умуминсоний қадриятлар ҳақидаги ғояларни аниқлаш кўникмалари даражаси	21	32	49	46	33	23
3.	Ёзувчи ижодини таҳлил қилиш ва унинг педагогик қарашларини тизимлаш маҳорати	24	31	47	47	36	19
4.	Чингиз Айтматов асарларида акс этган халқ педагогикаси асоси саналган ахлоқий эстетик ва меҳнат тарбияси ҳақидаги ғояларни аниқлаш малакаси	26	33	43	49	35	18
5.	Ёзувчининг педагогик концепцияси моҳияти, мақсад ва вазифаларини билиш даражаси	25	28	49	46	31	25
6.	Бадий асарда акс этган педагогик ғояларни аниқлаш малакаси	27	29	46	48	31	23
7.	Чингиз Айтматов асарларида таърифланган педагогик шарт-шароитларни ва уларнинг асар қаҳрамонлари образига таъсирини баҳолаш ва тадқиқ қилиш маҳорати	29	31	42	45	35	22
8.	Чингиз Айтматовнинг болалар ҳақидаги асарларида акс этган педагогик муаммоларга ечим таклиф қилиш маҳорати	28	31	43	47	37	18
9.	Чингиз Айтматовнинг педагогик ғояларини Шарқ мутафаккирлари фикрлари билан таққослаш маҳорати	21	35	46	45	38	19
10.	Чингиз Айтматовнинг педагогик концепцияси ҳақидаги билимлар даражаси	12	26	64	41	35	26
11.	Таҳлилий ўқиш давомида олган билимларини амалиётда қўллаш ва муайян педагогик вазият бўйича ўз фикрини мустақил баён этиш маҳорати	21	37	44	44	39	19
12.	Таҳлилий ўқиш даражаси	29	29	44	45	33	24
13.	<b>Жами:</b>	286	367	571	552	414	258
14.	<b>Фоизда:</b>	23,4	30	46,6	45,1	33,8	21,1

Махсус семинар олдидан ва ундан кейинги тажрибавий гуруҳларнинг иш фаолиятини таққослаб, натижалар сезиларли даражада ошганига амин бўлдик.

Энди назорат ва тажриба гуруҳлари талабаларини жалб қилган ҳолда ўтказилган илмий ва ижодий ишлар танловининг математик таҳлилин сарҳисоб қиламиз. Иштирокчилар Чингиз Айтматовнинг у ёки бу асарида, публицистик мақоласида тасвирланган муаммоларни таҳлил қилиб, ўз фикрларини мақола орқали ифодалашлари талаб этилган эди. Бу усул билан талабанинг танлови, таҳлилий фикрлаши ва ўқилган асарда муаллиф томонидан билдирилган педагогик қарашларни аниқлаш кўникмалари даражаси белгиланди (4-жадвалга қаранг). Танловда иштирок этган талабаларнинг энг сара мақолалар “Чингиз Айтматов асарларида педагогиканинг долзарб муаммолари” номли тўплам сифатида нашр этилди.

#### 4-жадвал

#### Ижодий ишлар таҳлили натижалари

	Топширик	Экспериментал гуруҳ			Назорат гуруҳи		
		Юқори	Ўртача	Паст	Юқори	Ўртача	Паст
1.	Чингиз Айтматов асарларини таҳлилий ўқиш	16	12	11	10	18	23
